# НАФОСАТ ГУЛШАНИ

## Машҳур ғазаллар таҳлили

### НАВОИЙ
# «С У В»

Сочди тердин гул уза ул сарв гул рухсор сув.
Қуймагим дафъига қилди, ўт уза изҳор сув.
Юзда тер туғёнидин гар кулса оғзи йўқ ажаб,
Ғунчага бўлмас очилмоқ ичмайин гулзор сув.
Тиғи бот-бот захм урардин, зор жисмим қилди заъф
Замзам бўлсинки, кўп ичса еткурур озор сув.
Ёр оёғи тупроғидин ўзга кўрмам доруйи,
Эй муолиж, кўзларимдин ким келур бисёр сув,
Меҳрким, ул чеҳра аксидур, недур гар бўлмамиш,
Ўтлиғ оҳим шуъласидир, гумбази даввор сув.
Ғам ўтидик э, ҳаким, ўлмоқ тиларман, жомима
Захр қўшсанг қўш, валекин, қотмағил зинҳор сув.
Хаста кўнглим заҳми оғзи пахталик пайконидан
Бор анингдекким момиқ бирла ичар бемор сув.
Шаъридин айру риёзатдин сафо касб айлағон.
Уйладуркм, соф ўлур таскин ила мурдор сув.
Тўрт ёндин ўқи йўл қилмиш Навоий кўнглини
Ишқ савдоси учун гўё ясабдир чорсув.

***

У гулрухсор гул устига тердан сув сочди. Яъни унинг қизил юзида тер томчилари пайдо бўлди. Гўё шу билан у менда куяётган алангани даф қилмоқчи бўлиб, сув қуйди. Бу ерда гўзалнинг юзидаги бир қатра тер гулга солинган сув томчисига ўхшатилади. Лекин Навоий шу билан кифояланмайди. Маълумки, ўтнинг ранги ҳам қизил. Шоир шу билан мазкур жонон менинг ишқим (ўтим)га сув қуйиб сўндирмоқчи бўлди, дейди. Шоир бу ерда аниқ воқеани била туриб билмасликка олиш усулини қўллайди.

У дилбарнинг юзида тер туғён қилиши билан лаблари кулган бўлса, таажжуб эмас; чунки гулзорга сув қуйилмаса, ғунчалар очилмайди. Навоий бу байтда биринчи байтдаги образни давом эттиради. Яъни у оғзини ғунчага, дилбарнинг табассумини очилган гулга ўхшатади.

Навоий бу байтда «сув»нинг бошқа бир маъносидан ҳам фойдаланади. Яхши тобланган пўлатни «сувлик» деб, бу пўлатдан тиғ, яъни қилич ясалар эди. Навоийга дилбарнинг ўша пўлат қиличи кўп зарбалар уриб, шоир жисмини заиф, кучсиз қилди; шоир демоқчики, замзамдай муқаддас сувнинг ўзини ҳам кимки кўп ичса, яъни сунистеъмол қилса охири озор топади.

Эй, табиб, менинг кўзларимдан шунча кўп ёш келадики, бунинг давоси: кўзларимдан оқиб турган сувларга ёримнинг оёқ ости тупроғидан ўзга нарса эмас. Шоир ҳаётдан олинган бир лавҳани ишлатади. Ҳақиқатан ҳам тошиб кетган ариқнинг йўлини тўсиш учун тупроқ ташланади.

Меҳр, яъни қуёш у дилбарнинг чеҳрасига ойнадир. Лекин Навоий бу эски образ билан кифояланмайди. Шу образга янгилик киритади. Яъни офтоб ўша дилбар юзининг акси бўлса ҳам, менинг ўтли оҳларимнинг ҳам шуъласидир. Уни офтобни ўраган гумбаз (осмон)дир. Сув менинг кўз ёшларимдир.

Ҳаёт шу қадар ғаму дардларга тўлганки, шоир ўлмоққа ҳам рози, лекин барибир тирик, табибдан сўрайдики, унинг жомига ёҳуд косасига сув қўшиб ҳаётнинг мазасини қочирмагин, демоқчи. Яъни мазмунсиз суюқ умрдан кўра, алам билан курашиб ўлгани яхши.

Менинг хаста кўнглим яраси севганимнинг отган ўқи учидаги пахтадан (пахталик учидан) дард эмас шифо топади: худди бемор (касал) оғзига момиқ билан сув томизганлардай.

Бу байтда шоир ахлоқий масала қўяди. Шариатнинг асл мазмунини тушунмай, фақат риёзат билан кеча кундуз ибодат ва тарки дунё қилиб, софликни касб қилиш худди сувни тўхтатиш билан тоза қиламан, деган даъвога ўхшайди. Шу байтда Навоий дунё лаззатларидан воз кечиб, ибодатда қотиб қолган мунофиқ кишилардан кулади.

Бу байтдаги образ ҳам шоир яшаган замондаги турмуш билан боғлиқ. Севгилисининг ўқлари, Навоий кўнглини тўрт томондан шундай тешиб ўтганки, гўё у гўзал ўзининг савдо-сотиғи учун шоир кўнглида бир чорсу (бозор) ясаган эмиш.

Навоийнинг бу ғазалида вафодор ошиқ образи шоирнинг ўзи ва маъшуқанинг гул чеҳраси зўр маҳорат билан ишланган. Шоирда хаёлнинг қуввати кучли. Бу ўхшатишлар оригинал, ҳам гўзал. Ҳар бир байт мустақил маъноли. Шу билан бирга, мустақил боғланган. Кўринишда ишқий мазмунда бўлса ҳам ичида чуқур ижтимоий-ахлоқий масала ётади.

Э. ҲАСАНОВ,
81-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.

## Меҳнаткашлар ҳузурида

Одатда телеминиатюраларни томоша қилар экансиз, чеҳрангизда беихтиёр табассум пайдо бўлади. Ҳаётимизда учраб турадиган айрим камчиликлар кулги остига олинади.

Телевидение адресига келаётган кўплаб хатларда адабий-драматик кўрсатувлар бош редакциясининг кўрсатувларни одатдагича студия павильонларида эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналарида, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари ҳузурида намойиш этиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, Чиноз, Ўрта Чирчиқ районлари пахтакорлари ҳузурида намойиш этилган программалар шулар жумласидандир.

Б. КАРИМОВ.

## КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Пушкин номидаги Тил ва адабиёт, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти олимлари билан ҳамкорликда «Ўзбек адабиёти бўстони» рубрикасида янги туркум китобларни шу йилдан бошлаб чиқара бошлади.**

Шу сериядаги биринчи мажмуа — «Мангу булоқлар» деб номланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, бу нашрдан буюк алломалар: Абу Али ибн Сино, адиб Собир Термизий, Паҳлавон Маҳмуд, Бурҳониддин Рабғузийларнинг ғазаллари, қитъалари, рубоийлари, достонлари, қиссалари ўрин олган.

Кўпчилик китобхонлар кўз ўнгида Ибн Сино деганда табобат илмининг устаси гавдаланади. Ваҳоланки, Ибн Сино ўрта асрнинг буюк мутафаккири, шарқ халқлари маданиятигагина эмас, жаҳон маданияти тарихига ҳам ўзининг катта улушини қўшган буюк даҳодир.

Ибн Сино буюк олим бўлибгина қолмай, балки файласуф шоир ва талантли адиб ҳам эди. У медицина ва мантиққа оид 9 достон ёзган. Унинг «Қуш рисоласи», «Соломон ва Ибсол», «Юсуф қиссаси», «Уйғоқ ўғил Тирик» асарлари ижодида муҳим ўрин эгаллайди.

Янги китобдан ширинсухан шоир, доно олим Адиб Собир Термизий лирикаси катта ўрин олган. Адиб Собир ўрта асрда яшаб, ижод этган талантли шоирлардан бири.

Шоирнинг замондошлари Адиб Собирга юксак баҳо беришган. Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида қуйидаги мисраларни ўқиймиз: **«Адиб Собир Термизий — ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолганлар».**

Адиб Собир ижодида табиат тасвири катта ўрин олган. Шунинг учун ҳам табиат тасвирига бағишланган шеърлар шоирнинг ҳаётий концепциясини ёркин ифодалайди ва ижодининг асосий йўналишини тўғри англаб етишга имкон беради.

«Мангу булоқлар» номли китобда шоир Паҳлавон Маҳмуд шеъриятига ҳам катта ўрин берилган. Паҳлавон Маҳмуд шеърларини ўқиган киши ўзини маънавий покиза, руҳан тетик ва улуғвор ҳис этади, чунки бу рубоийларга шу руҳ сингиб кетган.

Паҳлавон Маҳмуд 79 йил умр кўрди. Ўзининг умри давомида шоир кўпгина тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлди. Кўп кузатишлар ва фикрлаш натижасида шоирнинг фалсафий қарашларида ўзгариш рўй берди, оқибатда фалсафанинг бир қутбидан иккинчи қутбигача, яъни идеализмдан материализм томон қадам ташлади.

Янги китобдан Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари ҳам ўрин олган. Бу асар XIII асрда яратилган бўлиб, унда хаёл бойлиги, афсонавий ҳикоялар, тўқималар катта ўрин эгаллаган. Инсон хаёли, ақл-идроки ва қудратининг нақадар кенг ва муаззам эканлигини кўрсатади. «Қиссаи Рабғузий» 72 қиссадан иборат.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг «Ўзбек адабиёти бўстони» рубрикасида чиқарган «Мангу булоқлар» китоби кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади, деб умид қиламиз.

С. АЗИМОВА,
Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходими.

# МЕҲРИЯТ

## ШОИР ЭРКИН ВОҲИДОВ ҲАҚИДА СЎЗ

Шогирдлар каломи

— 1 —

Мактаб саҳнасида ўқувчи бола шеър айтади:

**Мен ёлқинман,**
**Оловли даврим**
**Кўкрагидан отилиб чиққан...**

Вужудинг жимирлайди. Атрофга қарайсан — муаллимларинг, синфдошларинг, юзлар, қиёфалар жимирлаётгандай. Мактаб ҳовлисида гуллар. Дарахтларнинг баданида титроқ. Хотирада яхши сақланиб қолгани: пионерларнинг ҳилпироқ галстуклари-ю мактаб томидаги ол байроқ. Ва яна лолалар, лолалар, лолалар ҳамда бу алвон садо:

**Мен ёлқинман,**
**Оловли даврим**
**Кўкрагидан отилиб чиққан...**

Сен бу шеърни яхши кўриб қолдинг. Ёд олдинг. Кейин йиллар ўтиб огоҳ бўласан: Ўшанда шеър айтган мактабдошинг ўзи билмаган ҳолда сенга муқаддас бир ёлқинни ҳадя этибди. Ёлқинни сенга берибди-ю ўзи шофёр бўлибди. Йўллари бехатар бўлсин!

Дорилфунун синовларидан ҳам шу ёлқин билан ўтдинг. Сирдарё пахтазорларида қору ёмғирларда гулхан ёқолмай дийдираган курсдошларингни шу ёлқин билан иситдинг. Кейин — китоблар, китоблар, китоблар. Бир куни қўлингдаги «Ёшлик девони»да шундай ёзув пайдо бўлади: **«Укам Сирожиддинга Ойбек камолоти тилайман. Э. Воҳ.»**. Ойбекнинг 70 йиллиги нишонланган кундан қолган ушбу дастхат девонни очганинг заҳоти олтин дамларнинг шабадаси янглиғ юзингга урилади.

Кейин йиллар ўтиб ҳамқишлоқларинг сендан сўрайди:

— **«Тошкентлар қалай? Эркин Воҳидов юрибдими?»**

Колхознинг ҳозирда собиқ раисларидан бири салмоқ билан ажабтовур маслаҳат ҳам берганди:

**«Шу Эркин Воҳидни қўлга олсанг ишларинг беш бўлади».**

Яхшиямки ўзининг омади юришмади, бўлмаса Айтматовни ҳам қўлга олиш кераклигини маслаҳат берган бўлармиди?..

Демак, сўз Эркин Воҳидов ҳақда.

Авваламбор, газетанинг бир-икки юмушлари сабаб бўлган қисқа учрашувлар, коридорлардаги ўткинчи салом-аликларни ҳисобга олмаганда, у билан жиддий ҳамсуҳбат бўлмаганингни келишиб олишимиз керак. У одамни яхши билмасанг, яқин бўлмасанг қандай қилиб у ҳақда яхши сўз ёзишинг мумкин? Иккинчидан, шу сўзни ёзишинг шартми ёки йўқми — шуни ўйлаб кўрмоғинг лозим.

Сенинг кўз ўнгингда мактаб саҳнаси пайдо бўлади. Яна ўша алвон садо! Абдулла Набиев...

**«Йўқ,** — дейсан, — **ёзишим керак! Ёзишим шарт ва зарур!».**

Демак, сўз Эркин Воҳидов ҳақда.

ЁРУҒЛИК. Бир сўз. Ёлғизгина сўз. Асрларнинг зулмат кўзлари, халқнинг зим-зиё умиду армонлари тарихлар бўйи соғинган, интилган биргина сўз. Шеърият том маъноси билан шу сўзга бўйсунади. Сўзга эмас Ёруғликка хизмат қилади. Нур беради, зиё бахш этади. Танқидчиликда ягири чиқиб кетган шундай ибора бор: «Фалончининг ижодисиз ўзбек адабиёти кўп нарса йўқотарди; қашшоқ бўларди; у бўларди; бу бўларди ва ҳ. к.» «Ўзбек адабиётисиз фалончининг ҳоли не кечарди» деган гап йўқ. Воҳидов шеърияти — ўзбек адабиётининг беминнат қуёшлари зиёсидан баҳраманд бўлган, шарқ классик шеърияти ҳавосидан қониб барг ёзган, бўй чўзган ва мана, бугунги кунда қадди-қоматини устувор кўрсатиб турган шеърият. Бу ўринда икки ҳарф ўзгартирилса мақсад янада ойдинлашади: МЕҲРИЯТ.

— 2 —

Сенинг вазифанг шарҳлаб бериш эмас, бу миссияни шеърларнинг ўзига қўйиб бер. Яхшиси — дилингдагини айт. Дилингдаги — зуваладай оддий гаплар. Ўшалардан гапир. Сен асрий девонларнинг томуғ саҳроларида ўт-олов ғазаллар саратонида куйдинг, қақрадинг, бу нима бало дединг, ўтган шоирларнинг ҳаммаси дўзахда яшаганми нуқул «ўлдум», «куйдим», «ўртандим» «сарғардим», эй сабо, бормисан, кўксимдан эссанг-чи ёниб кетдим-ку?!

Ва бирдан:

**Дўст билан обод уйинг,**
**Гар бўлса у вайрона ҳам.**
**Ғазаллар.**

Улар жуда оддий. Ўқиганда олим ҳам, чўпон ҳам бирдай тушунади. Суюнади. Улар механизаторнинг ҳам, доцентнинг ҳам кўнглига яқин. Оддийлиги, камтарлиги билан қадрли. Ижоднинг не-не мураккаб жараёнлари, Сўз ўрмонининг ғов босган шажараларию арузнинг шафқатсиз баҳрларидан ўтиш машаққати, бедор ва яна бедор тунлар заҳматидан шоирнинг ўзигина хабардор. Бу йўлда ҳеч ким унга йўлдош бўлолмайди. Ёлғиз ўзи. Ёзув столи. Қалам. Қоғоз.

**Сен бору мен бор, қалам бор,**
**Ўртада бегона йўқ.**

**Дунё. Замон. Одамлар.** Шоир учун бегона йўқ. Курраи Замин жароҳати унинг юрагида зирқирайди. Шунинг учун кечалари ёзув столи улкан майдонга айланади. О, муқаддас майдон! Кўҳна тарих суронларини кўксингда уйғотдим мен. О, менинг Астрободим! Кирдикорлари билан замонни сарсон қилаётган қаллоб жаллоблар жонга текканида, нокаслар қилмишидан бағрим эзилганида, ҳавойи давралар, фисқу фасодлар зериктирганида ўзимни бадарға қилдим, о, менинг Астрободим! Элим, юртим ҳасратида юрагимни тўкиб солганимда саҳрога айландинг. Армон карвонлари ўтаверди, ўтаверди. Ўрхун-Енисей ёзувлари фиғон қилди. О, ўзбегим!

**Бу — ИНСОН.** Мен уйқусиз кечаларда Еру кўк аро унинг камолини истадим:

**Собити сайёрада**
**Инсон ўзинг, инсон ўзинг.**

Бироқ бу не ҳол:

**Ким фаранги ким ҳабаш,**
**ирқ, қон талаш, имон талаш,**
**Шулми инсондек яшаш,**
**Армон ўзинг, афғон ўзинг.**
**Мамлакатга мамлакат,**
**Миллатга миллат қилса қасд,**
**Қилгучи сўнг оқибат**
**Армон ўзинг, афғон ўзинг.**

Лирик чекинишдан чекиниб «Инсон қасидаси»га бир нафас нафас ростла. Йўқ, бу шеър қаршисида нафас ростлаш қийин. Бу қасида эмас. «Қасида»—хасдек енгил сўз. Байтлар чинқириғида ундан асар ҳам қолмайди. Қулоқ солгин: ҳар байт—бир бонг, ҳар байт—бир армон. Фарёду фиғон. «Ўзинг» радифининг зарбларидан бонг тобора кучайиб боради. Кучайган сайин эса инсон ўзини аён кўра бошлайди. Инсон. Бу қасида эмас, инсоннинг инсонларга буюк огоҳлантириши, даъвати. Хонанда Шерали Жўраев ушбу даъватни кутилмаган оҳанг ва юксак пардаларда оммавийлаштирди. Қўшиқ жуда тез тарқалди. Районлар, посёлка ва шаҳарларда, вокзаллару аэропортларда минглаб магнитофонлардан янграгани, янграётгани илмий-техник револцюия асрининг ютуғи эмас, балки инсонлар эҳтиёжининг кўламини белгилайди. Дунёни ракеталар билан эмас, қўшиқ, гўзаллик билан қутқармоқ нақадар яхши!

XX аср.
Тирик сайёраларнинг илинжи—Тинчлик.
Бу — Назрул Ислом—инсон, исён.

— 3 —

Шоир жаҳон кезади. Эллар, элатларни кўради. Жаҳонгашталик натижасида шеърларнинг дунё харитаси вужудга келади. Бу — Ванкувер, мана бу —Деҳли аэропорти, буниси — Бхопалнинг жизғанак тақдири. Шоирнинг виждони фаол. У виждонман, деб қараб турмайди. Ҳодисотга бевосита иштирок этади, муносабат билдиради. Куюнади. Йиллаб ижарама-ижара қийналиб юрган талантли ёзувчининг бошпанали бўлишига ёрдам бериш, бировларнинг фаросатсизлиги, ночор ғарази туфайли ноилож қолиб кетган яхши шеърий туркум ёки достонни рўёбга чиқариш, самимий муносабатини дариғ тутмаслик ҳам шу фаоллик ва куюнчакликнинг амалдаги ифодасидир. Бу хайрихоҳликдан сен ҳам бебаҳра қолмадинг. Ҳиндистон сафари давомида илк китобингни ўзи билан бирга олиб юрди. Сафардан қайтиб келганидан кейин бу ҳақда айтганида, сен ёқиб юборишга тайёр юпқа тўпламинг — жаҳонгашта тўпламинг нечоғли азиз туюлганини сўзлаб беришга тилинг лол. Бунақаси илк китобларнинг ҳаммасига ҳам насиб этавермайди!..

Бировлар тақдирига сидқидилдан қайғуриш ҳам истеъдодга киради. Афсуски бундай талантлар бир хайрихоҳга муҳтож истеъдодлар саноғидан жуда кам. Начора, шунинг учун талант дейилса керакда...

Эҳ, нодон! Қўлтиғида шеърлари, бўйнига шарфнинг қора шаршарасини осиб редакцияга боради. У ҳозир қўлтиғидаги папка билан дунёни забт этгудай бир ҳолатда. Такасалтанг! Икки кундан кейин каттакон журналнинг каттакон редактори бу папкани қўлига қайтариб беради. **«Шеърлар яхши,** — дейди, — **бироқ яна ўйлаб кўринг. Мен фикрларимни ёзиб қўйдим».**

Кейин ҳошияларга ёзилган «фикрлар»ни ўқийди: «Заминга ҳурмат йўқ», «Онага ҳурмат йўқ», «Бу — нописандлик» ва ҳ. к.

«Фикрлар» унда ҳеч қандай фикр уйғотмайди.

Адабий ходимлардан бири йўл-йўриқ кўрсатади: **«Сизни Эркин ака тушунади. Шеърларни ўша кишига кўрсатинг».**

**Қўйинг,** — дейди, — **нима деб ўйлаши мумкин?»...**

Бошқа ҳеч нарса айтмайди. Кетади. Ўқишдан ҳам, шаҳардан, курсдошлари, дўстларидан воз кечиб кетади. Талантидан ҳам юз ўгириб кетади у. Ўз шеърларига қўл силтайди-да кетади. Бошқа қайтиб келмайди. Шеърий давраларда баъзан унинг номи олтин тангадай ялт этиб кўринади. **«Зўр шоир чиқарди, бекор кетди»** дейишади. Бироқ у қайтиб келмайди. Шоирлик қисмати беғараз устозлар билан сийлаган болалар аллақачон шоир бўлди. Ном қозонди. У эса йўқ.

Баъзан ўйлаб қоласан: Ўшанда ҳақиқатан ҳам шеърларини Воҳидовга кўрсатганда нима бўларди? Балки кетиб яхши қилгандир? Билмайсан, ҳеч қачон билмайсан. Лекин барибир унга ачинасан. Қолмагани унинг айби эмас. Айби — ҳаддан ташқари беғубор бўлиб туғилганида. Шаҳарга қандай келган бўлса шундай жим, беғуборгина кетди у. Устозлар кўп эди, бироқ устоз йўқ эди. Ҳақиқий, самимий устоз.

**Сен уни нима учун эсладинг? Ўн йиллик бу ўтмишнинг Эркин Воҳидовга, унинг шеъриятига қандай алоқаси бор?..**

Бироқ сен уни ҳар доим эслайсан. Шеърларини, юриш-туришини хотирга келтирасан. Унинг ушалмаган орзуси — сенинг қарзинг. Қарздорлик туйғуси сени ҳол-жонингга қўймай ўртайди, қийнайди. Шунинг учун шоир Эркин Воҳидов ҳақидаги сўзингга уч нуқта қўяр экансан, яна унинг сўзларини эсладинг:

**Нима деб ўйлаши мумкин?..**

Сирожиддин САИДОВ.



## Байрам кунларида

Янги йил байрами кунларида шаҳримиз маданият масканларида қизиқарли кечалар, учрашувлар ташкил қилиниб ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилидагидек ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё этилади.

СУРАТЛАРДА: Байрам кунлари намойиш этиладиган «Циркда интермедия» саҳнасидан лавҳалар.

Х. АВВАЛОВ фотолари.



## Сўнмас у кунлар шуҳрати

# ОТАХОН

«Каттабоғ» кўчасидаги хонадонлардан бирида республика миқёсидаги шахсий пенсионер Анвар ака Йўлдошев истиқомат қилади. Отахонни маҳалладагиларнинг барчаси ҳурмат қилади. Сабаби у бой турмуш тажрибасига эга, энг чалкаш вазиятда ҳам тўғри хулоса чиқаради. «Ҳамма нарсани ҳал қилиш мумкин. Фақат уруш бўлмаса бўлгани», деб қўяди кўпинча у....

Уруш ҳақидаги мудҳиш хабарни А. Йўлдошев Красноводск шаҳрида эшитди. У хизмат қилаётган бўлинма дарҳол Шимолий Кавказга йўл олди. Кичик ер, Тамань ярим ороли, Керчь шаҳри учун беомон жангларда қатнашди. Сафдошлари сингари малъун душманни яксон қилишни ўйлаб, ҳеч иккиланмай олдинги маррага интилди. Бу осон эмасди. Тўпни ботқоқликлар, дарёлардан ўтказишга тўғри келарди. Сўнг ундан душманнинг қўшинлари, қурол-аслаҳа омборлари, техникасини ўққа тутарди.

Айниқса, Керчдаги жанглар даҳшатли бўлди. Катта азоб-уқубат билан фашистлар шаҳардан қувиб чиқарилди, жуда кўп техникаси мажақлаб ташланди. Бир группа жангчи ва офицерларга ана шу жангда алоҳида мардлик кўрсатганлиги учун орден ва медаллар топширилди....

У Ғалабадан сўнг эсон-омон она юрти — Тошкентга қайтди. Ильич номидаги механика заводига ишга жойлашди. Шу ердан пенсияга чиқди.

Байрам кунлари Анвар ака орденларининг ҳаммасини тақиб юради. Иккита Ватан уруши, Шуҳрат, жанговар Қизил Байроқ орденлари ёнида бир нечта медаллар бўлади.

С. МИРҲОШИМОВ,
«Каттабоғ» маҳалла комитетининг раиси.

## Суд залидан

# ДИЁНАТНИ УНУТГАНЛАР

Алломалардан бири шундай дейди: «Сен улуғ ва машҳур бўлмасанг ҳам ҳеч қиси йўқ. Сен, пок виждон, меҳнаткаш ва одобли киши бўлганинг билан фахрлан». Аммо ҳали орамизда ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, ўз виждонини пулга алмаштирадиган одобсиз кишилар ҳам йўқ эмас...» Яқинда судда шундай кишиларнинг бир группасини қилмишлари кўриб чиқилди.

Собир Раҳимов район улгуржи-чакана савдо идорасининг 13/27-магазин мудири Элвер Арслонов ва ундан кейин шу магазинга мудирлик қилган Зира Фозилова, Ҳамза район улгуржи-чакана савдо идорасига тегишли 14-магазин мудири Фарида Мансурова, Киров район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 8-магазин мудири Надия Измаилбоева, 13-магазин мудири Аҳмад Қамаритдинов, «Ташплодоовощ» бирлашмасининг 9-магазин мудири Ҳусниддин Нуриев, Сергели райпишчеторгига қарашли 2-магазин мудири Вера Статникова, Ҳамза райпишчеторгига тегишли 33-магазин мудири Исматулло Тошмуҳамедов ва бошқалар Тошкент консерва комбинатининг фабрикат цехи устаси Клавдия Алексеевна Абдулина, бош молиячи Нина Дмитриевна Чувашевалар билан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, давлатнинг жуда катта маблағини ўзлаштириб юбордилар. Улар оддий бўш шишаларни мўмай даромад манбаига айлантирдилар.

Қаллоблар комбинатнинг штампи билан кирим ордерлари, накладнойларини ўғирлашиб, бу бланкаларга топширилмаган бўш шиша банкаларни комбинатга топширилди, деб сохта ҳужжат расмийлаштиришиб, юқоридаги магазинларнинг бухгалтериялари орқали кирим ва чиқим ҳужжатларини устамонлик билан ўғирлаб, давлат банкига счётлар бериб, банк орқали катта миқдорда давлатнинг пулини талон-тарож қилдилар. Уларнинг бу «фаолиятлари» 1982 йилнинг январь ойидан то 1985 йилгача давом этди. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» дейдилар. Бу давр мобайнида З. Фозилова давлатнинг 21.132 сўмини, В. Статникова 24.047 сўмини, Л. Лисак 14.709 сўмини, Ф. Мансурова 11.817 сўмини, Н. Измаилбоева 10.344 сўмини, Э. Арслонов эса ҳамтовоқлари билан 122.863 сўмини «хазм» қилиб юбордилар.

«Текин томоқ — тешиб чиқар» экан. Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Қаллобларнинг сири ошкор бўлди. Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан жиноятчилар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. Ҳаром йўл билан топган-тутган молдунёлари мусодара этилиб, давлатга етказилган катта моддий зарар ундирилди.

Хўш, бу жиноятнинг сабаби нимада? Ўз-ўзидан шундай савол туғилиши табиий. Кўчада ётган тошни бирор ким тоқи туртиб кетмагунича, у жойини ўзгартирмаганидек, ҳар қандай жиноятнинг туб, илдиз отишига албатта сабаб бор. Бу сабаб назоратсизликдир. Юқоридаги савдо ходимлари ҳам худди мана шундай назоратсизликдан устамонлик билан фойдаланиб келдилар.

Юқори савдо ташкилотлари бу савдо нуқталаридаги ходимларнинг мушугини пишт демадилар, назорат ишларини бутунлай бўшаштириб юборганлар, ҳисоб-китоб ишлари ўлда-жўлда бўлган, бухгалтерия ишлари ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган. Бу ишлар билан ҳеч ким қизиқмаган. На комбинат раҳбарлари, на партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва на халқ контроли группаси қизиққан. Улар «Сен менга, мен сенга тегма» қабилида иш тутганлар. Мана оқибат...

Бизнингча, юқори савдо ташкилотлари, консерва комбинатининг назорат қилувчи ходимлари жуда катта миқдорда берилаётган пулларни нима учун сарфланаётганини ўз вақтида текширганларида, бу газакнинг олди олинган бўларди. Афсуски, бундай бўлмади. Аксинча, айрим моддий жавобгар шахслар давлат мулкини худди ўзининг шахсий мулкидек хоҳлаганча сарф этдилар.

Куйбишев райпишчеторгига қарашли 19-магазин мудири Усмонжон Масалиев эса бутунлай бошқача йўл тутди. У давлат ҳисобига Хотамтойдан ҳам ошиб тушди. У бу магазинда бор-йўғи уч ой мудир бўлиб ишлаб, ана шу давр мобайнида катта «ҳунар» кўрсатди. Қиморга муккасидан кетган У. Масалиевнинг кейинги пайтда қартада қўли келмай қолди. Натижада давлатнинг 17.000 сўм пулини қиморга тикиб юборди. Давлат оборотидаги пул кўкка совурилди, қайсидир қиморбознинг чўнтагини қаппайтирди...

Ҳеч бир жиноят изсиз қолмайди. Масалиев бу «қилиғи» учун Тошкент шаҳар суди ҳукми билан қаттиқ жазоланди. Унинг мол-мулки мусодара этилиб, етказилган зарар ундирилиб, ўзи ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилди. Ваҳоланки, у айни ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътибор топадиган ёшда эди. Афсуски, у йўлдан озди.

Ҳа, бизда эгри ният билан жиноий ишга қўл урган кимсаларга ҳеч қандай шафқат қилинмайди. Бундай қабиҳ ният билан юрганлар чучварани хом санайдилар, ҳеч бир жиноий иш очилмай қолмайди. Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, ҳар ким ўз қилмишига яраша жазоланади.

К. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист.

